

*А.У. Мадраимов
бош мутахассис,
Давлат статистика қўмитаси
Кадрларни қайта тайёрлаш ва
статистика тадқиқотлари маркази*

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ МАНБАЛАРИ ВА ИМҚОНИЯТЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган ҳар бир давлатда ижтимоий барқарорликка эришиш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг муқобил йўли аҳоли бандлигини яхшилашдир. Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан қўшиб қаралганда, жамият ривожланишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Ушбу мезонлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини, инновацияларни, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати ва даромадлар даражасини ошириш йўллари белгилаб беради. Ҳоят муҳим муаммолардан бири, иш билан бандлик муаммоларини ҳал этиш, бинобарин, умумиқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти сифатида бу муаммони статистик ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этади.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2011 йилда ташкил этилган янги иш ўринлари сони қарийб 1 миллионга яқин бўлиб, шундан 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди¹.

Ўзбекистонда босқичма-босқич ва ижтимоий йўналтирилган тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг самараси, аввало аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган кўрсаткичлар ва халқ турмуш даражасининг мунтазам ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган ЯИМ, харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисоблаганда, 1990 йилда 1328 АҚШ долларни, 2000 йилда 1431² АҚШ долларни, 2010 йилда эса 3271 долларни ташкил этди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ бу муҳим кўрсаткич бўйича ислохотларгача бўлган даражадан ҳам юқори натижага эришилди. 2010 йилда эса бу борадаги ўсиш 1990 йилга нисбатан 2,5 баробар ошди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали ривожланишини яққол ифода этадиган муҳим сифат кўрсаткичи, иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига

¹ Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, №20(5187). 2011й 28 январь. 2-б.

² Жаҳон банкининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмида намоён бўлмоқда. Агар 1990 йилда иқтисодийётда банд бўлган ҳар бир кишига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 3412 АҚШ доллари ҳажмидаги қисми тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу рақам ўртача 7940 АҚШ долларни ёки 1990 йилга нисбатан 2,3 баробардан зиёдни ташкил этди.

1 - жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий иқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	1990 й.	2000 й.	2010 й.	1990 йилда (фоиз)	
				2000 й.	2010 й.
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП–харид қобилияти паритети бўйича), АҚШ долларида	1328	1431	3271	107,9	2,5 марта
Иқтисодийётда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП бўйича) АҚШ долларида	3412	3928	7940	115,1	2,3 марта
Саноатда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган саноат маҳсулоти улуши					
Минг сўмда	22,1*	1649,7	22407	129,7	2,3 марта
АҚШ долларида	3159,6	6963,1	14124,1	2,2 марта	4,5 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари					
Минг сўмда	0,7*	37,4	417,3	149,4	4,7 марта
АҚШ долларида	93,8	157,8	263,1	1,7 марта	2,8 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори, АҚШ долларида	40,8	127,5	344,1	3,1 марта	8,4 марта
Аҳоли жон бошига тўғри маҳсулот ва хизматлар экспорти (АҚШ долларда)	21,7	132,4	462,1	6,1 марта	21,3 марта

* - минг рубль.

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори, белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2010 йил охирида 2016,8 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2010 йилнинг декабрь ойида 1162,6 АҚШ долларида етди³.

³ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2010 йилда 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади⁴.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг изчил ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни (дифференциаллашувни) акс эттирадиган Жини коэффициенти 1990-2010 йилларда 0,40 дан 0,30 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга эга.



1-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, АҚШ доллари ҳисобида

Бугунги иқтисодиётимизни ривожлантириш шароитида касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бормоқда. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

2010 йилда касаначилар томонидан 34 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар бу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

Аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтиришдан иборат. Қайд этиш керакки, бу борада муайян ижобий натижалар қўлга киритилди.

Шунингдек, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008 йилдан 2010 йилга қадар ана шундай оилаларга 123 мингдан зиёд қорамол берилди.

Натижада 2010 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролар умумий сони 1 млн. 100 минг нафардан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг нафарига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди⁵.

2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва унинг таркиби динамикаси (фоиз ҳисобида)⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2001	2002	2003	2004	2006	2007	2008	2009	2010
Иқтисодий фаол (меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши сифатида)	72,6	71,6	71,6	71,0	74,6	76,0	77,5	78,3	79,8
Бандлар	69,5	68,4	68,8	68,5	70,8	72,3	74,5	75,2	76,1
Ишсизлар	3,1	3	2,8	2,5	3,8	3,5	2,2	1,8	1,5
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	27,4	28,4	28,4	29,0	25,4	24,0	22,5	21,7	20,2
Шундан иш қидиришда ҳафсаласи пир бўлган шахслар	5,9	6,1	1,6	9,9	6,7	5,3	4,4	4,1	3,8
Норасмий секторда банд бўлганлар сони (банд бўлганлар улуши сифатида)	48	46	48	51	45	48	49	48	48
Шундан рўйхатга олинмаган якка тартибдаги тадбиркорлар	6,4	7,3	6,9	3,8	5,2	3,1	2,9	2,4	2,1
Деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар	25,1	23,7	27,7	25,5	29,4	30,1	29,4	28,2	28,0
Мавсумий, бир марталик ва вақтинчалик ишларда банд бўлганлар	16	21,4	21,2	33,5	26,9	23,1	22,4	22,4	22,1
Оиланинг меҳнати учун пул тўланмайдиган аъзолари	23,9	22,3	21,4	12,2	14,3	11,6	10,5	9,5	9,3

⁵ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Мазкур ислохотлар натижасида 1990 -2010 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари, аниқ ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди.

3 - жадвал

Мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадларнинг ўсиши

Кўрсаткичлар	1990 йил	2010 йил
Мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятдан, маҳсулот сотиш ҳамда хизмат кўрсатишдан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши	10,6	47,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси (уй хўжаликларини ўртача ой давомида таҳлил қилганда) маълумотлари

Янги турдаги бундай даромадлар ҳиссасига 2010 йилда ялпи даромадларнинг 47 фоизи тўғри келди.

Янги турдаги ушбу даромадларнинг афзаллиги шундаки, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллашуви оила ялпи даромадларининг жадал равишда ошиб бориши учун рағбатлантирувчи бозор омилларини яратади, марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида кенг тарқалган боқимандалик ва даромадларнинг бир хилда бўлиши даражасини пасайтиради.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30 - 32,1 фоиз даражасида сақланиб қолмоқда.

Норасмий бандликни янада қисқартириш ва амалдаги бандликни қонунлаштиришни рағбатлантириш, айниқса, ўз фаолиятини бошлаётган кичик бизнес субъектлари орасида муҳим омил ҳисобланади. Меҳнат бозорида мавжуд муаммоларни муҳокама қилишда, шунингдек, кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқ ва корхоналарнинг устувор ривожланиши, айниқса, қишлоқ жойларида ишчи кучининг ҳудудий ва секторал ҳаракатчанлиги ўсиши, меҳнат ресурсларининг қонуний ва ижтимоий ҳимояланган экспорт йўли билан бандликни ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал

қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг ижтимоий турмуш шароити жамиятнинг барча аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий ривожланишни таъминлаш ҳамда меҳнат шароитини яхши ташкил этиш, кишилар саломатлиги ва меҳнат қилиш лаёқатини сақлашни кафолатлаш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларни ижтимоий таъминот, нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оилаларнинг ижтимоий ҳимояланишини ифодалайди.

Шу билан бир қаторда бугун мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳар томонлама ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш энг устувор вазифалардан саналмоқда.